



Маҳалла раиси, бу — лавозим эмас, мажбурият ва масъулиятдир

2-с.

“Энг аввало, одамларда боқимандалик кайфиятини йўқотдик”

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
14 май,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

№40
(2264)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Хоразмда сайёр қабул ўтказилди



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳи Хоразм вилоятида ўрганишлар олиб борапти.

Дастлабки манзил — Хонқа тумани. Туман ҳокимлиги мажлислар залида вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди. Ҳар бир ташкилот раҳбарига аҳоли мурожаатларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳамда маҳаллаларда олиб борилаётган иш жараёнларини жадаллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди. Шунингдек, вазифалар ижросини назорат қилиб бориш учун ташкил этилган Штаб фаолияти ўрганилди. Уюшма вакиллари оммавий сайёр қабулда қатнашди. Урганч шаҳридаги ТАТУ Урганч филиали биносида вазирлик ва идораларнинг оммавий

сайёр қабул ташкил этилди. Унда Республика ишчи гуруҳи вакиллари фуқаролар мурожаатларини қабул қилди. Мулоқотлар давомида 22 нафар фуқаронинг турли масалаларда мурожаати эшитилиб, 5 та масала жойида ҳал этилди. Сайёр қабулда нафақа пули, моддий ёрдам, маҳалла раислари сайлови, оқова сув носозлиги ва бошқа масалалар бўйича мурожаатлар қилиниб, ижроси алоҳида назоратга олинди. Айрим фуқароларга қонуний тушунтириш берилиб, муддат талаб қиладиганлари бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўз юртингда топган меҳринг, қилган меҳнатинг қадрли

Кредит олиш учун одамлар аввал банкдан-банкка югуриб, кўп вақт сарф қиларди. Энди улар аҳоли сонига қараб, маҳалла орқали ажратилапти. Бу тизимга ишончни янада кучайтирди. Эҳтиёжманд талабаларга давлат ёрдами сифатида шартнома пуллари тўлаб берилляпти. Бу каби ёрдам олганлар кўп.

4-с.

“Муаммо шундаки, ҳудуд бизники, аммо жиноятчининг манзили бошқа...”

“Жиноят содир этилган ҳудуд эмас, балки жиноят содир қилган одам қайси маҳалла фуқаросига қараб, баҳоланса, яхши бўларди. Чунки таҳлил ва кузатишларимиздан маълум бўляптики, турли келишмовчилик, ўғрилик ва фирибгарликлар ўзга маҳалла фуқаролари томонидан содир этиляпти”.

6-с.

Қалб ва тана оҳангини уйғунлаштирган машғулот

Мазкур спорт нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бир неча машғулотдан сўнг қалб ва тана оҳангининг уйғунлашгани яққол сезилади. От билан мулоқот қилиш, янги ҳиссиётларни уйғотади. Шунингдек, бу жонзот билан холи тарзда очик ҳавода сайр қилиш зўриқишни камайтиришга ва кайфиятни яхшилашга хизмат қилади.

8-с.

ҲАР БИР МУҲТОЖ ОИЛА МАНЗИЛЛИ ВА МАҚСАДЛИ КЎМАК ОЛАДИ

“Камбағал оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2025 йил 15 майдан “Камбағал оилалар реестри”га киритилган ва ушбу реестрга тушиш ҳавфи бўлган оилалар “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга тақсимланади ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари уларнинг тоифасига қараб кўрсатилади. “Қизил” тоифага – оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади минимал истеъмоил харажатларидан кам бўлган ва қуйидаги мезонларнинг бирига жавоб берадиган оилалар киритилади:

- аъзоларининг камида 1 нафари соғлиғининг ҳолатига кўра меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган;
- парваришга муҳтож аъзоси, шу жумладан, ногиронлиги мавжуд фарзанди бўлган;
- ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ёхуд ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсдан иборат бўлган;
- боқувчисини йўқотган ёки боқувчиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган оила.



ИМКОНИЯТ

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

МАҲАЛЛАДАГИ ҲАР БИР ОФИР ВАЗИЯТГА “ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ” СИФАТИДА ҚАРАЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тиббиёт соҳасидаги ислохотлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида айни йўналишдаги ишларни маҳалла даражасида ташкил этишга доир қатор фикрлар билдирилди.



Ҳар бир тумандаги маҳалла ва оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар фаолияти мақбуллаштирилади.

Оилавий шифокор ва ҳамшира маҳаллада юриб, сурункали касали борларга вақт ажратса, уларни касаллик билан яшаш ва уни бошқаришга ўргатса, саратон, диабет, инсульт, инфаркт каби касалликларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, буларнинг ҳисобига тез ёрдам ва стационарга мурожаатни қисқартирса, шифокорнинг ойлигига қўшимча 500 доллар, ҳамширага 300 доллар берилади.


Маҳаллада битта бўлса-да, инфаркт, инсульт, оналар ва болалар эрта ўлими, сурункали касаллик туфайли ортирилган ногиронлик фавқулодда ҳолат, деб қабул қилинади.

Касалликларни барвақт аниқлаш ва асоратларини камайтириш бўйича “маҳаллабай” тизим яратилади. Масалан, поликлиника ва маҳаллаларга вилоятдаги кардиология, эндокринология ва она-бола марказлари, марказий шифохона врачлари бириктирилади.



ЎЗЛАРДА ҚУВОНЧ, ЮРАКЛАРДА УМИД УЙҒОНСИН...

7-с.



ЭРАЁЛИНИНГ ТОПГАН ПУЛИНИ ОЛИШГА ҲАҚЛИМИ?

8-с.



“Эл-юрт умиди”
жамғармасы Президент
хузуридаги Истиқболли
кадрларни тайёрлаш
бўйича “ЭЛ-ЮРТ УМИДИ”
ЖАМҒАРМАСИ этиб қайта
ташkil этилди.



Ҳукумат қарори
билан “ТОЗА ҚҰЛЛАР”
дастурина амалга
ошириш чора-тадбирлари
белгиланди.



Вазирлар Маҳкамаси
биноси, Савицкий қабри
ва Руставели кўчасидаги
22-уй МАДАНИЙ МЕРОС
ОБЪЕКТЛАРИ рўйхатига
киритилади.

ИМКОНИАТ

ҲАР БИР МУҲТОЖ ОИЛА МАНЗИЛЛИ ВА МАҚСАДЛИ КЎМАК ОЛАДИ

Давоми. Бошланиш 1-саҳифада.

“Сарик” тоифага – оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади минимал истемол харажатларидан кам бўлган ҳамда аъзолари соғлиғи ҳолатига кўра меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган оилалар киритилади.

“Яшил” тоифага – оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади минимал истемол харажатларининг 1 бараваридан 1,5 бараваригача бўлган ва қуйдаги мезонларнинг бирига жавоб берадиган оилалар киритилади:

- оила “қизил” ёки “сарик” тоифадан чиқарилган бўлса;
- оиланинг “Камбағал оилалар реестри”га киритилиши эҳтимоли юқори бўлса.

Фармонга кўра, **2025 йил 1 июндан** “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги оилалар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар “Камбағал оилалар реестри”даги оилаларга ҳам татбиқ этилади, **2026 йил 1 январдан** эса фақат “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларга кўрсатилади.

Давлат хизматларидан фойдаланиш учун бож, йиғим ва бошқа тўловларни тўлашда “сарик” тоифага киритилган оилаларга **50 фоиз**, “қизил” тоифага киритилган оилаларга **75 фоиз** миқдорда чегирмалар қўлланилади. Камбағал оилалар “қизил” ёки “сарик” тоифадан “яшил” тоифага ўтганда улар учун қонунчиликда назарда тутилган **давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари** кейинги **12 ой муддатга** сақлаб қолинади.



“Қизил” тоифага киритилган оилаларга белгиланган **пассив даромад келтирувчи қўллаб-қувватлаш** чоралари тақдим этилади. Жумладан, уларнинг хонадонига **қуёш электр станциялари** ўрнатилади. “Қуёшли хонадон” дастури асосида ортиқча электр токи сотиб олинади. Шунингдек, камбағал оилаларнинг кўчмас мулки ҳудудида **енгил конструкцияли кўчма дўконлар** қурилади.

Ҳужжатга асосан, **2025 йил 1 июндан** “қизил” тоифага киритилган оилаларнинг “аъло” баҳо-ларга ўқиган талаба қизларига Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан **базавий стипендиянинг икки баравари** миқдорда махсус стипендия тўланади. **2025 йил 1 сентябрдан** умумий ўрта таълим муассасасининг узайтирилган кун гуруҳларига қатнайдиган болалар **умумий сонининг 15 фоизи миқдорид**а камбағал оилалар фарзандлари учун алоҳида квота ажратилиши овоз этилади.

2026 йил 1 январдан камбағал оилаларнинг “аъло” баҳо-ларга ўқийдиган фарзандларининг ўзбекистон қасба-йушмалари федерацияси тизимидаги оромгоҳларда **дам олиши ва соғломлаштирилиши харажатлари** тўлиқ қоплаб берилади.

ТАЖРИБА

Ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан турмушимиз яхшиланди, ҳаётимиз ўзгарди

Маҳалла аҳолиси бирдам, ҳамжиҳат бўлса, ечимсиз муаммо, чорасиз масала қолмайди. Шу маънода ҳудудда яшовчи 4 минг нафар фуқаро ҳар қандай масалани биргаликда ҳал этишга ўрганган. Улар билан яккама-якка суҳбатлашиб, фикрига қулоқ соламан. Тақлифини ўрганаман. Куннинг исталган вақтида мурожаат қилишларига имкон яратилган. Доимо мулоқотга тайёр эканимни билишади.

Ғайрат ЧОРИҚУЛОВ,
Жарқўрғон туманидаги
“Қорабуро” маҳалласи раиси.

Ф уқаролар “маҳалла еттилиги” ходим-лари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиши учун шу нондаги телеграм гуруҳ ташкил этганмиз. Таклиф, мулоҳаза, муаммолар доимий эътиборда бўлади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли билан муносабатимиз ўзаро ишонч асосида қурилган. Камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, оилавий ажралишларнинг олдини олишдаги ютуқларимиз омили шундан. Тажрибамдан англадим-ки, муаммони фақат давлат ҳал қилиб берсин, деб томошабин бўлиш катта хато экан. Аҳолига тўғри тушунтирсангиз, албатта, сизга эргашади. Буни ҳудуддаги ўзгаришлар мисолида қуриш мумкин.

Сир эмас, кўп жойларда қадимий қадриятимиз қисобланган ҳашар йўқолиб бормоқда. Ўн нафар одамнинг бошини бир ерга қовуштириш



осон бўлмай қолди. Ҳамманинг ўз ташвиши, ўз иши бор. Лекин ўзаро ишонч, ташаббускорлик ортидан ҳашар йўли билан муаммоларга ечим топпимиз. Мисол учун, кейинги 2 йил давомида 5 та кўприк қайта таъмирланган бўлса, 3 километр масофага ичимлик сув қувури тортилди. Бундан ташқари, оқова сув сарфини камайтириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида ариқлар бетонлаб чиқилди. 3 километр ички йўл шағалланди. Спорт майдони қуриб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла гузариди хотин-қизлар учун спорт зал, хунармандчилик маркази ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталари фаолияти йўлга қўйилди. Эътибор беринг, буларнинг барчасига аҳоли уюшқоқлиги билан эришдик. Қачон давлат қилиб бераркин, деб кутиб ўтирмадик.

осон бўлмай қолди. Ҳамманинг ўз ташвиши, ўз иши бор. Лекин ўзаро ишонч, ташаббускорлик ортидан ҳашар йўли билан муаммоларга ечим топпимиз. Мисол учун, кейинги 2 йил давомида 5 та кўприк қайта таъмирланган бўлса, 3 километр масофага ичимлик сув қувури тортилди. Бундан ташқари, оқова сув сарфини камайтириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида ариқлар бетонлаб чиқилди. 3 километр ички йўл шағалланди. Спорт майдони қуриб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла гузариди хотин-қизлар учун спорт зал, хунармандчилик маркази ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталари фаолияти йўлга қўйилди. Эътибор беринг, буларнинг барчасига аҳоли уюшқоқлиги билан эришдик. Қачон давлат қилиб бераркин, деб кутиб ўтирмадик.

Маҳаллада санъат соҳасига, жумладан, фольклор йўналишига қизиқиш катта. Ҳозирда “Момо-гул” фольклор этнографик дастаси фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда нафақат миллий санъатимиз, балки ёшларга хунармандчилик сирлари ўргатишмоқда. Оилалар мустахкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш учун “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази” ташкил этилган.

Худудда тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик бизнесни ривожлантириш орқали ишсизлик ва камбағаллик қисқартирилмоқда. Масалан, тадбиркор Малика Жумаева қандолат корхонаси фаолиятини йўлга қўйган. Қандолатчилик корхонаси ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фарзандларимизни хунар ўрганиш баробарида ишли бўлишига имкон бермоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЭЪТИБОРЛИ ЖИҲАТИ, ЯНГИ БИНО КУТУБХОНАЛИ

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, НАТИЖА

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — ЛАВОЗИМ ЭМАС, МАЖБУРИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТДИР

Кимки мана шу мезонга амал қилса, иши юришади, халқ уни қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли халқ хизмати-га бел боғлаганман. Худудга хос муаммоларга ечим топиш учун билмаганимни сўрашдан, маслаҳат олишдан уялмайман. Қўшни маҳаллалар тажрибасини қуза-тиб бора-ман. Қандай янгилик, ўзгариш бўлса, ўзимизда татбиқ этишга интиламан.

Фахриддин МАҲМУДОВ,
Сариосиё туманидаги
“Шабнам” маҳалласи раиси.

2023 йил раисликка сайланган бўлсам, биринчи навбатда бажариш зарур ишларни режасини тузиб чиқдим. Қишлоқ қабристонига олиб борувчи йўл жуда абгор эди. Уни шағаллаштирдик. Аҳоли тиббий хизмат олиш учун 3 км. узоқликка қатнарди. Шу сабабли олис ва чекка ҳудудлар аҳолисига бирламчи тиббий ёрдамнинг сифати ва самарадорлиги-

ни ошириш дастурига кўра, маҳалла тиббиёт пунктини ташкил этдик.

Маҳалламизда 4 143 нафар аҳоли яшайди. Ўсиш нуқта — деҳқончилик ва кўчатчилик. Лекин уни ривожлантиришда 260 та хонадонни оқова сув муаммоси қийнади. Жорий йил “Камбағалликдан фаровон-лик сари” дастури асосида 3,1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, масалага ечим топилди. Томорқани оқова сув билан таъминлашга 665 миллион сўм йўналтирилди. Жумладан, артизиан қудуқ қазилиб, бир километр

25 ўринли мактаб таъмир-талаб ҳолатга келиб қолган ва ўринлар сонини ошириш эҳтиёжи пайдо бўлганди. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан мактаб замонавий таъмир-ла-ниб, ўқувчилар қамрови 40 тага етказилди.



узонликдаги ариқ бетонлаштирилди. Бунинг натижа-сида жами 380 та хонадонга сув етиб борди. Электр таъминотини яхшилашга 1,1 миллион сўм тақсимлан-ганди. Бугунгача 600 мил-

лион сўмдан маблағ эвазига икки дона трансформатор ҳамда 140 дона бетон устун ўрнатилди. 6,5 км. тармоқ тортилиб, 280 та хонадонда электр таъминоти узлуксиз-лигига эришилди. Бундан

ташқари, 6,7 км. ички йўл асфальтланди. Йил бошидаги хатловда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида 5 та оила танлаб олинганди. Уларни камбағалликдан чиқариш учун республика, вилоят ва тумандан бириктирилган ташкилотлар зарур ёрдам бермоқда.

Маълумки, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгач, ҳар бир соҳа ўз эгасига берилди. Аммо хизмат биноси бўлмагани учун фуқаролар мурожаати билан ишлашда қийналяпмиз. Яъни, бир неча йиллардан бери ижара бинадаги 3 та хонада ишлаб келяпмиз. Шу боис фаолиятимизни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшадиган таклифни ай-тиб ўтмоқчиман. Агар янги маҳалла биноси қуриб берилса, фуқаролар мурожаати билан ишлаш осонлашади.






Ўзбекистон
Афғонистонга
БЕҒАРАЗ ЁРДАМ
тариқасида 26 тоннадан
зиёд уруғ етказиб берди.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ”
стипендияси жорий
этилади.



Ургут туманидаги
“Терсак” маҳалласига
“ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ”
мақоми сертификати
топширилди.

“Энг аввало, одамларда боқимандалик кайфиятини йўқотдик”



Биламизки, бугунги кунда “маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифаси — маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш. Хўш, иллатнинг илдизи қаерда? Унинг ечими борми?

Умид ХОЛОВ,
Жондор туманидаги
“Тобагар” маҳалласи
хоким ёрдамчиси.

Маълумки, кассаликни даволашда тўғри ташхис муҳим. Камбағаллик ва ишсизлик — ижтимоий касаллик. Уни даволаш учун, аввало, сабабларини ўргандик. Тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, кўпчилик фуқароларда боқимандалик кайфияти кучли, бир қисми ўз муаммоларини бошқалар ҳал қилиб бериши керак, деган нотўғри

фикрда. Устига-устак, дангасалик ҳолати учраб туради. Бу, ўз навбатида, мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланмасликка олиб келади. Ўтган вақт мобайнида мана шу муаммога ечим топдик. Биринчи навбатда, одамларни боқимандалик кайфиятидан чиқардик. Шунча имконият яратилган бўлса-да, ҳамон ўзини “камбағалман”, деб атаётганлар айбни ўзидан излаши керак. Шукрки, ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Хатловда 95 нафар ишсиз ва камбағал оила аниқланган бўлса, бугун барчасининг бандлиги таъминланди.

Фаолиятим бошида барча

хонадонларни хатловдан ўтказдим. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, бандлик даражаси, ишсизлар сони, талаб ва эҳтиёжини ўрганиб чиқдим. Кейинги босқичда шу маълумотлар асосида хонадонлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича режа тузилиб, мақсадлар белгиланди. “Драйвер” — чорвачилик ва деҳқончилик. Жорий йилдан бошлаб, иссиқхоначилик (помидор, бодринг, булғор қалампери етиштириш), кўчатчилик ривожлантирилмоқда. Қисқа муддатда 20 та иссиқхона ташкил этдик. Ижобий натижага эришган фуқаролар талайгина. Мисол учун, Мурод Иззатов хонадонидagi 14 сотих ерда помидор кўчати етиштириб, сотишни йўлга қўйди. Бундан ташқари, қасаначилик асосида 20 нафар ишсиз хотин-қиз бандлиги таъминланди.

“Маҳалла банкири”
Шоира Зарипова
ташаббуси билан
кам таъминланган
оилаларнинг 5 нафари
зарур ёрдам
кўрсатилди. Уларнинг
йиллик даромадини
50-60 млн. сўмга
олиб чиқилди.
Хонадонларга жами
18 та молиявий пакет
тақдим этилди.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Тайёргарлик ишлари доирасида томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ўқув курси очиб, тингловчиларга хонадонларни кооперация усулида бириктириш ва етиштирилган маҳсулотни марказлашган ҳолда сотиш, субсидия, банк хизматлари ва имтиёзли кредит ажратиш тартиби тушунтирилди.

2025 йилнинг шу давригача 47 нафар фуқарога 820 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, янги ташкил этилган 20 та иссиқхонада 2-3 мартагача ҳосил олиш йўлга қўйилди. 15 та хонадонга “Сайхунобод тажрибаси” асосида лойиҳа пакетлари тақдим этилди. Камбағаллик рўйхатида турувчи 5 та оилага 1 сотихли иссиқхона куриб бердик.

Маҳаллада истиқомат қилган ва бугунги кунда хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар билан ҳафтанинг пайшанба кuni “маҳалла еттилиги” иштирокида онлайн мулоқот ўтказилади. Унда муаммолари ўрганилиб, ватанга қайтишга кўмаклашамиз, яхши даромадли иш таклиф этамиз. Шу билан бирга, меҳнат миграциясидан қайтганларнинг ҳолидан хабар олиб, бандлиги таъминланмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгани ишимизни янада ривожлантирди. Маҳалла раиси С.Бозоров раҳбарлигида ҳудуддаги бирорта масала ечимсиз қолмаяпти. Ободонлаштириш ишлари доимийлик касб этган.

Бугун ҳоким ёрдамчиларига фаолият юритиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Натижани янада яхшилаш учун таклидим — имтиёзли кредит ажратилишида банклар томонидан ўтказиладиган “скрининг” тизимини ҳоким ёрдамчиларининг “Онлайн маҳалла” платформасига улаш лозим. Шунда уларнинг ишида самарадорлик янада ошиб, аҳоли ўртасида тадбиркорлик ривожланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ЛИМОНЧИЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Нурилло АБДУРАҲМОНОВ,
Чортоқ тумани:

— Мен хонадонимда лимончиликни йўлга қўймоқчиман. Лекин иссиқхона ташкил этиш учун маблағим йўқ. Айтинг-чи, ушбу вазиятда давлат томонидан имтиёзга эгаманми?



Шухрат ОТАЖОНОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази директори:

— Республикада лимончилик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига қўра, лимон етиштиришга ихтисослашган ҳудудларда аҳоли хонадонларида ва ижарага берилган ер майдонларида ихчам иссиқхоналар куриб бериш ҳамда 3 йиллик имтиёзли даврда 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиш белгиланган. Бундан англаш мумкинки, сиз лимончиликни йўлга қўйиш мақсадида ариза берсангиз, юқоридаги ёрдамни оласиз.

Бундан ташқари, қарорда хорижий давлатлардан лимон мевасидан мурabbo ва лимонад ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш, ўрнатиш ҳамда тадбиркорларга лизинг асосида беришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Яъни, сизга хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга кўмак берилади.

Амалдаги кредитлар ва физ. қарздорликларини қайта молиялаштириш орқали лимончилик хўжаликлари фаолияти имтиёзли шартларда соғломлаштирилади. Шунингдек, қарорга қўра, Норин, Шахрисабз, Учкўприк ва Денов туманларидаги биттадан маҳаллани илмий асосланган ёндашув асосида лимон кўчатлари етиштиришга ихтисослаштириш ҳамда 1 млн. донга сифатли лимон кўчати етиштириш йўлга қўйилади.

2025 йил якунига қадар деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида мавжуд лимон етиштирилмайдиган ер майдонлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, маълумотлар “Online mahalla” электрон платформасига киритилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

АГАР ТОМОРҚАНГИЗ ҚАРОВСИЗ БЎЛСА...



Аҳоли томорқаси ва ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳоким ёрдамчиси томонидан ҳар чоракда ўрганиш олиб борилади.

Ўрганиш давомида хонадондаги томорқа ва ижара ерларида экин экилмаган ва қаровсиз қолдирилган бўлса, айрим таъсир чоралари қўлланилади. Имтиёзли кредитлар ажратилмайди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаролар учун ёрдамлар (моддий ёрдам ёки бола пули каби) тўхтатилади. Ер солиғи уч қарра юқори миқдорда ҳисобланади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Маҳалла сервис компанияси” иш бошлади

Дўстлик туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласида 23 турдаги хизматларни ўз ичига олган “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилди.



Компания давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва киефасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди.

— Айни пайтда мазкур компанияда 8 нафар кишининг бандлиги таъминланган, — дейди маҳалла раиси Сафарбой Йўғиликов. — Улар орасида электр устаси, сантехник, пайвандчи, ва боғбон каби ўз ишининг усталари ҳамда ободонлаштириш ишларига масъул ходимлар мавжуд. Ходимлар маҳалла ҳудудидаги кам таъминланган оилаларнинг хонадониди ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан бирга, аҳоли, қорхона ва ташкилотларга шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатишни режалаштирган.

Қорхонанинг очилиш тадбирида туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Сабзавотлар бир-бирини ҳимоялайди, агар ёнма-ён ва тўғри экилса...



Ердан унумли фойдаланишда экинларни тўғри танлаш ва экиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида қайси сабзавотларни ёнма-ён экиш юқори ҳосил олиш омили экани ҳақида маълумот берамиз.

Рустам НИЗОМОВ,
Сабзавот, полиз экинлари
картошкачилик илмий-
тадқиқот институти
директори.

Мақкажўхори, нўхат ва қовоқ бир ерда экилса, мақкажўхори тупроқни азот билан тўйинтириб, нўхат ўсиши-

га ёрдам беради. Қовоқ эса, ўз навбатида, бегона ўтларнинг ривожига йўл қўймайди.

Пиёз ва сабзи бир жойда бўлса, пиёз сабзини инсектицид ва фунгицид таъсирга эга бўлган модда (аллицин) чиқариши ҳисобига зараркунандалардан ҳимоя қилади.

Помидор ва райхон нафақат салат учун яхши

комбинация, балки бу ўсимликлар бир хил тупроққа ва бир хил суғоришга муҳтож. Бундан ташқари, райхон ҳиди помидорларни зарарловчи шилликуртлар учун ёқимсиз саналади. Помидор ҳосили райхон буталари ёнида бўлган бўлса, жуда мазали бўлади.

Қалампир ва баклажон бир оилага мансуб экани маълум ва бир хил ўсиш шароитини талаб қилади. Яқин атрофда ўсадиган лoвия баклажонни қолорадо кўнғизидан ҳимоя қилади.


Ушбу маслаҳатларга амал қилсангиз, ҳосилингиз баракали бўлади.



Ўзбекистонда энди маҳаллий рейсдаги барча резидент авиакомпанияларга СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ.



Ўзбекистонда аҳил оилалар ҳамда ёш келин-куёвлар иштирокида “ОИЛАЛАР САЙЛИ” ўтказилади.



Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ обуначига эга блогерлар реклама орқали даромад топганда СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“ОЛТИНСОЙ” МАНЗАРАСИ МУТЛАҚО ЎЗГАРАДИ

Беруний туманидаги “Олтинсой” маҳалласи аҳолиси узок йиллар давомида сув ва электр таъминоти билан боғлиқ қийинчиликларда яшаб келди. Ҳар бир хонадонда томорқа мавжуд бўлса-да, сув етишмовчилиги сабабли кўпчилик ердан тўлиқ фойдалана олмас эди.



Бугун “Олтинсой” маҳалласи ободликка юз тутган. Худудда кенг қўламли бунёдкорлик ишларига киришилди. Жараёнда йиғиндаги 3 та суғориш қудуғи, 3,4 километр суғориш тармоғини таъмирлаш, 2 та трансформатор пункти, 46 дон таянч устунни ўрнатиш, 2 километр хаво тармоғини тортиш, 2,5 километр ички йўللарни кум-шағал аралашмаси билан текислаш режалаштирилган. Бугунги кунда мазкур ишлар маҳалла худудида бошлаб юборилган.

— Аҳоли йиллар давомида сув ва электр муаммоларини бошидан ўтказиб келди — дейди маҳалла раиси Шухрат Казаков. — Томорқаси бор, лекин сув йўқлиги сабабли ерни ишлата олмаслик кўп оилаларни қийнаб қўйганди. Бу ишлардан кейин томорқадан фойдаланиш ҳам, ҳаракатланиш ҳам, яшаш ҳам анча қулай бўлади. Айниқса, йўллarning текисланиши кексалар ва болалар учун катта енгиллик бўлди. Одамларимиз бу ишлардан мамнун.

Бугун маҳаллада бошланган бу ишлар эртанги фаровонликка асос бўлади. Аҳоли бу ижобий ўзгаришлардан мамнун.



МАНЗАРА

ЎЗ ЮРТИНГДА ТОПГАН МЕҲРИНГ, ҚИЛГАН МЕҲНАТИНГ ҚАДРЛИ

Олдин ўзим оддий тadbиркор эдим. Бугун эса ёшлар муаммоларига ечим излайдиган, уларга имконият яратишга ҳаракат қиладиган етакчи сифатида ишляпман. Илгари маҳалла тизимига унчалик ишонч бўлмаган. Аммо “маҳалла еттилиги” бирлашиб ҳаракат қилгач, халқ ишончи ортди, масалалар ечим топа бошлади.



Сардорбек РАИМКУЛОВ,
Қўрғонтепа туманидаги
“Тошлоқ” маҳалласи
ёшлар етакчиси.



Маҳаллада 2 507 нафар фуқаро истикомат қилади. Уларнинг 640 нафарини ёшлар ташкил этади. Йил бошидан буён 15 нафар ёшга кредит, 3 нафарига субсидия ажратилди.

Дастлабки ўзгаришларга келсак, кредит олиш учун одамлар аввал банкдан-банкка югуриб, кўп вақт сарф қиларди. Энди кредитлар аҳоли сонига қараб, маҳалла орқали ажратиларди. Бу тизимга ишончни янада кучайтирди. Эҳтиёжманд талабаларга давлат ёрдами сифатида шартнома пуллари тўлаб бериларди. Бу каби ёрдам олганлар кўпайгач, бошқалар ҳам биздан маслаҳат сўрай бошлади. Шу орқали маҳаллада ўз ўрнимизга эга бўлдик, ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Ёшлар орасида сиртки таълимда ўқийдиганлари бор, баъзилари хорижга ишлашга кетмоқда. Уларга кўп бор мусофирликнинг нони қаттиқлиги, шу ерда меҳнат қилиб ҳам пул топиш мумкинлигини айтдим. Лекин барибир кетишди. Аммо ҳаёт — қатта устоз. Кўпчилиги кўз билан кўриб, бошидан кечириб, Ватан ва оиланинг қадрига етиб қайтмоқда. Пул топган, аммо меҳр ва ҳурматни топа олмаганлар қанча...

Ўз хатоларини тушуниб, хориждан қайтган йигитларни қўлаб-қувватлаб, тadbиркорликка жалб қилдик. Улардан бири асаларичилик билан шуғулланиш учун 33 миллион сўм кредит олди. 55 та қўтида асалари парваришлаб, яхши даромад топди. Энди беданачиликни йўлга

қўйиб, товўқ боқишга киришди. Беданачилик маҳалламизда у қадар ривожланмаган эди, у билан илгари кўпчилик шуғулланмаган. Бу йигитимиз 1 000 та бедана жўжасини сотиб олди. Икки ой парваришлаб, тухум олишни бошлади. Бир йил давомида бедана тухумини сотиб даромад қилди. Энди ёнига уч нафар ёш йигит қўшилиб, биргаликда беданачиликни ўрганишмоқда.

Аслида, маҳаллада биринчи бўлиб бедана боқишни мен бошлаб берганман. Шунингдек, уйимда 4 та асалари қўтиси бор. Ўтган йили икки қўтидан 243 килограмм асал олдик. Асаларичилик кам харажатли, аммо яхши даромадли соҳа. Масалан, 100 сўм сарфланса, камда икки баробар — 200 сўм фойда беради. Ёшларга ўрнат қўлиш учун

ушбу йўналишда ҳам фаолият юритяпман. Ким ёрдам сўраб келса, бемалол ўзимни мисол қилиб, йўл-йўриқ кўрсатаман. Зотан, ҳар бир ёшга, қандай вазиятда бўлишидан қатъи назар, ёрдам беришимиз шарт.

Аёл-қизлар учун иш топиш анча қийин. Кўпчилиги тикувчиликдан беҳабар. Шу муаммони ҳал қилиш мақсадида бизга бириктирилган Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги иккита контейнер олиб келди. Улар тикув машиналари билан жиҳозланди. Бу ишга тикувчиликдан яхши хабари бор бўлган аёлни бириктирдик. Энди маҳалла аёллари тикувчиликни ўрганапти. Бир ойда бу касбни ўзлаштириб олса, тикув цехларида ишлаши ёки уйда ўз ишини йўлга қўйиши мумкин.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Каромат АБДУЛЛАЕВА,
Томди тумани:

— Ёлғиз аёлман. Ойлик маош эвазига ишлайман ва шу маош билан уй-жой учун субсидия олмоқчиман. Саволим шуки, уй-жой учун субсидия олишга ойлик даромад қанча бўлиши лозим?

СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН ДАРОМАД ҚАНЧА БЎЛИШИ КЕРАК?



Жусипбек КАРИМБОЕВ,
Томди тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Қонунчиликка қўра, уй-жой учун субсидия олишга мурожаат қилган талабгор ёки оила аъзоларининг ойлик даромади худудга қараб фарқ қилади.

Агар сиз Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда яшасангиз, ойлик даромадингиз меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори (МХТЭКМ)нинг 2,7 бараваридан (3 118 500 сўм) 8 бараваригача (9 240 000 сўм) бўлиши керак.

Агар сиз Тошкент шаҳрида яшасангиз, ойлик даромадингиз МХТЭКМнинг 2,7 бараваридан (3 118 500 сўм) 9,2 бараваригача (10 626 000 сўм) бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга, субсидия олиш учун талабгорнинг ойлик даромади камда 3 118 500 сўм бўлиши керак.

Демак, сизнинг ойлик даромадингиз ушбу чегарадан паст бўлмаслиги лозим.

ФИКР

ЭҲТИЁЖМАНДГА КЎМАК, ТАДБИРКОРГА РАҒБАТ КАФОЛАТЛАНГАН

Ҳаёт йўлида кимнингдир қадами тез, кимнингникидир секинроқ бўлиши табиий. Баъзида шундай синовли дамлар келадики, инсон ўзи ёлғиз курашишга қийналади. Кўпчилигимиз гувоҳи бўлганмиз, ён-атрофимизда турли қийинчиликларга дуч келган, меҳрга ва кўмакка муҳтож инсонлар бор. Булар, аввало, кам таъминланган оилалар, жигарбандимиз бўлган ногиронлиги бор ака-укаларимиз, опасингиларимиздир.

Олим АБДУЛЛАЕВ,
иктисодиёт фанлари
номзоди, доцент.

Уларнинг бир иш топиб, ўзини ўзи эплашга уринишлари баъзан тоғни кўчиришдек маънақатли бўлиши мумкин. Афсуски, ҳар бир иш берувчи ҳам уларга очик қўл билан пешвоз чиқавермайди. Ана шундай нозик вазиятда давлатимиз ўзининг инсонпарварлик сўясатини ишга солиб, бу муаммага ечим топишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда ижтимоий ҳимояга муҳтож юрtdошларимизни иш билан таъминлаётган меҳнатқаш тadbиркорларни қўлаб-қувватлаш учун қатор муҳим солиқ имтиёзлари ҳаётга татбиқ этилаётир. Бу имтиёзлар нафақат

тadbиркорларнинг елкасидан солиқ юкини бироз енгиллаштиради, балки уларни савобли ишга — эҳтиёжманд инсонларга умид беришга ундайди. Энди имтиёзларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтайлик.

Кам таъминланган оилаларга ёрдам қўли. Агар тadbиркор 2025 йилдан 2028 йилгача кам таъминланган оила аъзосини ишга олса, у ижтимоий солиқни атиги 1 фоиз ставкада тўлайди! Тасаввур қилинг, одатда бу солиқ анча юқори. Лекин бу ерда бир шарт бор: ишчининг ойлиги камда 1 миллион 732 минг 500 сўм бўлиши керак. Бу дегани, тadbиркор ҳам ходимига яхши ойлик беради, ҳам давлатга камроқ солиқ тўлайди.

Ногиронлиги бор юрtdошларимиз — эътиборда. Ногиронлиги бўлган инсонларнинг



жамоат бирлашмалари бўлган корхоналар учун имтиёзлар янада жиддий. Агар бу корхоналарда ишлаётганларнинг камда ярми ногиронлиги бўлган шахслар бўлса ва уларнинг ойлик фондида умумий ойлик фондининг ярмини ташкил этса, бундай корхоналар фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни умуман тўламайди! Бундан ташқари, улар мол-мулк солиғидан озод қилинади ва ер солиғини ҳам жуда кам — 0,25 коэффицентда тўлайди. Бу ногиронлиги бўлган инсонлар

учун иш ўринлари яратишга катта туртки беради.

Кўп ногиронни ишга олганга — қатта рағбат. Агар оддий корхона ўз ходимларининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлиги бўлган шахслардан иборат қилса, давлат уларга ҳам ёрдам беради. Бундай корхонанинг солиқ ставкаси ишга олинган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахслар учун бир фоизга камайитириб борилади. Масалан, агар корхонада 5 фоиз шундай тоифадаги фуқаролар ишласа, солиқ ставкаси



Яна бир муҳим масала — назорат. Имтиёзлардан мақсадли фойдаланиляптими, иш берувчилар ҳақиқатан ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни иш билан таъминлаляптими — буларнинг ҳаммаси қатъий назорат остида бўлиши ўринлидир.

2 фоизга камаяди.

Ногирон тadbиркорга — қулайлик. 1 ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари тadbиркорлик қилса, улар ойига белгиланган солиқнинг ярмини, лекин энг кўпи билан 187 минг 500 сўмни тўлайди. Бу уларга ўз бизнесини бошлаш ва ривожлантириш учун яхши имконият яратади.

Ихтисослашган корхоналарга — алоҳида эътибор. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланадиган ихтисослашган цехлар ва корхоналар ижтимоий солиқни 4,7 фоиз ставкада тўлайди. Солиштириш учун, ҳозир бу солиқ 12 фоиз. Бу ҳам катта енгиллик, тўғрими?

Ҳомийнинг эҳсони — солиқсиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ҳомийлик қилаётган ташкилотларнинг 37,5 миллион сўмгача бўлган хайрия маблағларидан солиқ олинмайди. Яхшилик қилиш ҳам солиқдан озод этилган!

Иш берган — рейтингда юқори. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан таъминлаган тadbиркорларга барқарорлик рейтингда кўшимча баллар берилади. Агар ходимларнинг 10-20 фоизи ижтимоий ҳи-

мояга муҳтож бўлса — 5 балл, агар 20 фоиздан кўп бўлса — 10 балл тақдим этилади. Бу тadbиркорларнинг обрўсини оширади ва бошқа имтиёзлар олишига ёрдам бериши мумкин.

Албатта, бу имтиёзлар жуда яхши ташаббус. Лекин уларнинг ҳақиқий фойдасини кўриш учун, аввало, бу ҳақда кўпроқ одам билиши керак. Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ҳам, тadbиркорлар ҳам бу имкониятлардан хабардор бўлиши, қолаверса, ушбу имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда ва тушунарли бўлиши лозим. Кераксиз қоғозбозликлар, узок навбатлар бўлмаслиги шарт. Давлат органлари бу борада янада фаолроқ бўлиши, тушунтириш ишларини олиб бориши зарур.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатимизнинг бу савб-ҳаракатлари жаҳаиятимизнинг инсонпарварлиги ва бирлигининг ёрқин намунасидир. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, биргаликда муҳтож инсонларга таянч бўлиб, юрт равнақида ҳисса қўлиш ҳар бир инсон учун шарафли бурчдир. Яхшилик эса, албатта, қайтади!



Ўзбекистонда
ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ
иштирокида
3,6 млрд. долларлик
23 та янги лойиҳа
амалга оширилади.



Ургут
ЭКСТРЕМАЛ
ТУРИЗМ турлари
ўтказиладиган жойга
айлантирилади.



Афғонистонда
“MADE IN
UZBEKISTAN”
савдо уйи
очилди.

ТАШАББУС

ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ
ТАДБИРКОРИ, ЭНГ МУҲИМИ,
ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТИ БОР

Мамлакатимизга тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўналишида янги ёндашув ва ташаббуслар кириб келмоқда. Айниқса, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларнинг ўз тадбиркорлари етишиб чиқапти.



Латофат ЮСУПОВА,
Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси
Хоразм вилояти
бошқармаси матбуот
котиб.

Урганч туманидаги “Хидоят” маҳалласи паррандачиликка ихтисослашган илғор маҳаллалардан бири саналади. 318 та хонадоннинг 80 фоизи ўз уйида паррандачилик билан шуғулланиб келяпти.

Парранда ва унинг маҳсулотларига талаб ортгани сайин, янги ташаббусларга қўл урилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шокир Полвонов хонадониди ташкил қилинган ушбу фаолият анчайин салмоқли. Маҳалланинг ўзида етиштирилган паррандалар узокқа бормасдан, ишбилармон оилада қайта ишланиб, халқ дастурхонига тортиқ қилиняпти.

– Маҳалламиз паррандачиликка ихтисослашгани бизга жуда қулай бўляпти, – дейди Шокир ақанинг ўғли Рустам Полвонов. – Чунки парранда гўштини ўзимизнинг маҳалладошлардан оламиз. Уни пишириб, халқ дастурхонига етказяпмиз. Бир кунда 500-600 килограмм маҳсулот тайёрлаймиз. Буюртмалар вилоятнинг барча туманлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг яқин ҳудудларига етказляпти.

Шокир ақанинг 4 нафар ўғил фарзанди ҳам ўз йўналишининг етакчилари саналади. Дастлаб

улар маҳалладошлари сингари парранда парвариш қилишган. Талабга яраша тақлифни шакллантириш нияти янги тадбиркорлик йўналишига асос бўлди. Эндиликда бу хонадонда балиқчиликни йўлга қўйиш ишлари бошланди. Айни пайтда 6 нафар фуқаро иш билан таъминланган. Режадаги ишлар йўлга қўйилса, бу ерда яна қўшимча иш ўрни яратилади.

Мазкур маҳаллада “Камбағал оилалар рестри”да турувчилар йўқ. Бунга йиғинда ташкил қилинган ишбилармонлик муҳити сабабдир. – Энди маҳалламиз тадбиркорлари фаолиятида экспортни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Мурод Худойбергенов. – Парранда оёқларини хориж давлатларида экспорт қилиш масаласида бир нечта ҳамкорлар билан келишув устида ишляпмиз. Яна товуқ патларидан ёстиқ ишлаб чиқариш лойиҳасини йўлга қўймоқчимиз. Хуллас, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Жойларда ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш, бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш, янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш янада жадаллашяпти. Тадбиркорлик йўналишларининг кўпайиши аҳоли бандлигини таъминлашга, фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

“СОЛИҚЧИ – ҚЎМАКЧИ”

Самарали тарғибот фуқароларда
катта рағбат уйғотяпти



Жорий йилнинг апрель ойида маҳаллий бюджетга режадаги 72 миллион сўм ўрнига, 87 миллион сўм солиқ тушуми туширилди.

Ўттиз йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ ходимлари бугунгидек аҳолининг яқин қўмакчиси бўлмаган. Авваллари туман миқёсида иш ташкил этилгани учун қуйи тизим эътиборсиз қолган. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали билдикки, солиқ тўловчиларни қўллаб саволлар қийнаб келган.

Баҳриддин ОТАБОВЕВ,
Арносай туманидаги
“Зарафшон” ва “Бахтли”
маҳаллалари солиқ
инспектори.
“Маҳалла ифтихори”
қўқрак нишони соҳиб.

Бугунги кунда “Зарафшон” ва “Бахтли” маҳаллаларида 41 та юридик шахс, 25 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 268 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчи бор.

Бугун хонадонма-хонадон юриш орқали аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб бераймиз, солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этиямиз. Иш фаолиятим

давомида қўпроқ ер солиғи ва кадастр ҳужжати билан боғлиқ саволлар бўляпти. Масалан, бир фуқаро ер майдони 8 сотих, лекин кадастр ҳужжатида 10 сотих кўрсатилганини айтиб, эътироз билдирди. Бу масала тегишли соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганилгач, ҳужжати ўзгартирилиб, 8 сотихга ер солиғи ҳисобланадиган бўлди.

Яна бир фуқаро ер майдони кадастр ҳужжати қилиш бўйича ариза берган, лекин ижроси бажарилмай келган. Кадастр идорасига хат киритганимиздан сўнг, бу муаммо ҳам ҳал этилди. Бу масала “Зарафшон” маҳалласида кўп. Чунки қўллаб қозқ миллатига мансуб фуқаролар уй-жойларини кимларгадир топшириб, Қозғоғистон Республикасига қўчиб кетган. Асосийси, солиқ инспекторлари “маҳалла еттилиги”га бириктирилгач, аҳолининг солиқ соҳасидаги тушунчаси ортиб, барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

Менга бириктирилган маҳаллалар туман марка-

зидан 22 километр олисда, Айдаркўл бўйида жойлашган. Шу боис илгари бу ерга солиқ инспекторлари кўп келишмаган. Натижада мол-мулк ва ер солиқлари юзасидан қўллаб қарздорлик юзага келган. Ҳозир тушунтириш ва тарғиботларимиз натижа-сида солиқларни ўз вақтида тўлашяпти. Улар аввалгидек, туман марказига бориб юрмасдан, маҳалланинг ўзида, бизга ёки “Soliq” мобил илова-си орқали тўловларни амалга оширяпти. Қувонарлиси, аввалгидек, солиқ тўловчиларнинг ортидан қувиб юрганимиз йўқ. Шу кунга қадар 50 фоиз аҳолимиз бир йиллик солиқ тўловларини тўлашди. Бу жараёнда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолиши, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишининг кенг тарғиб қилиниши фуқароларда катта рағбат уйғотяпти.

Келгусида маҳалла раиси бошчилигида “маҳалла бюджети” ҳисобидан аҳоли томоқчаларини ҳайдаш ва бошқа ишларни бажариш учун трактор харид қилиш режамиз бор. Чунки тушунтириш ва тарғи-

ботлар натижасида аҳолининг томоқчадан фойдаланиш маданияти ортди. Хонадонларини обод қилиб, рўзғор учун зарур бўлган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экишяпти.

“Бахтли” маҳалласида туризм ҳудуди ташкил этиляпти. Натижада уй меҳмонхоналари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, тамаддиҳоналар сони ортяпти. Фуқароларга ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда сайёҳлар учун салқин ичимлик ва музқаймоқ сотадиган замонавий савдо шохобчалари ташкил этиш бўйича маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатяпмиз. Санитария ҳолатларига жавоб бермайдиган ёйма савдоларга барҳам берилиб, махсус савдо дўконлари ташкил этилишига кўмаклашяпмиз.

Хар икки маҳалла аҳолиси жуда аҳил ва инोक. Шу боис мавжуд муаммолар ҳамкорликда ҳал этиляпти. Келгусида маҳаллалардаги имкониятлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик йўналишларини кенгайтираммиз. Чорвачилик ва паррандачилик фермер ҳўжаликлари сонини янада ошираммиз. Агар ҳар бир хонадонда чорва, парранда, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилса, уйлайманки, рўзғори бут бўлади.



МИНБАР

Аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш —
“еттилик” олдидаги долзарб вазифа!

Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий вазиятидан келиб чиқадиган бўлсак, “еттилик” ходимларига иқтисодий мавзуда махсус дарс соатлари ташкил этилиши лозим. Бу маҳорат дарслари ҳар бир “маҳалла еттилиги” доирасида ўтказилса, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий билимлари ортиб, фаровонликка эришишда муҳим қадам бўлади.

Улуғбек ЁҚУБОВ,
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
Молиявий таҳлил кафедраси
профессори.

Негаки, маҳалла аҳолисининг билим даражаси давр талаби ва таракқиётига қанчалик мослиги юртимиз келажаги, ислохотлар тақдирини белгилувчи асосий мезон ҳисобланади. Таҳлил ва кузатувларга кўра, иқтисодий саводхонлик даражаси паст бўлганда фуқаролар қабул қилган қарорлар самараси

кўп ҳолларда етарли бўлмаган. Натижада маҳалла фуқаролари томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳисобига иккинчи томон фаолларида салбий ўзгаришлар юзага келади. Таъкидлаш керакки, маҳалла аҳолисининг иқтисодий саводхонлиги мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Чунки иқтисодий саводхонлик паст бўлса, даромадларга нисбатан харажатлар ортади, молиявий режалаштириш ва бюджет юритиш кўникмалари етишмайди, ноконуний молиявий схемалар ва қарзга олиб келувчи хавфлар ортиб боради.

Маҳалла фуқароларининг иқтисодий саводхонлигини ривожлантириш ва аҳоли орасида молиявий маданиятни шакллантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланади.



Маҳалла аҳолисининг иқтисодий саводхонлигини ошириш учун кўпроқ кредит, солиқ, кредитни қайтариш, ноконуний молиявий схемалар масалаларига эътибор қаратиш лозим. Бироқ иқти-

содиёт кенг тушунча бўлиб, маҳаллада ташкил этилаётган дарслар режаси мослашувчан хусусиятда бўлиши талаб этилади.

Белгиланган мақсадга эришишда бир-икки соҳалар-

да ўтказиладиган иқтисодий саводхонлик дарслари етарли эмас. Шу боис ўқув дарсларни “маҳалла еттилиги” фаолиятининг вазифалари ҳамда мамлакатнинг ўрта ва узок муддатди моделларида белгиланган мақсадларидан келиб чиқиб, ташкил этилса юқори самарага эришилади.

Ҳўш, маҳалла аҳолиси ўртасида иқтисодий саводхонликни ошириш учун яна нима қилиш лозим?

Биринчиси, маҳалладаги катта ёшдаги аҳолининг билимларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қучайтириш орқали иқтисодий тушунчалар моҳиятини чуқур тушунишига эришиш зарур.

Иккинчиси, маҳалладаги мавжуд таъкилотлардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий кўникмаларни шакллантиришнинг амалий ечимига эътибор қаратиш керак. Маҳалла аҳолисида иқтисодий саводхонликни

ошириш масаласи “маҳалла еттилиги” томонидан амалга ошириладиган бир мартали тадбир сифатида қаралиши керак эмас. Иқтисодий таълим бериш аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили саналади. Шу сабабдан, иқтисодий саводхонлик таълим дастурлари давлат, хусусий сектор, нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур.

Учинчиси, мутахассис кадрларни тайёрлаш учун таълим-тарбия муассасалари ўқув хоналаридан самарали фойдаланиш ва битирувчи синфларда иқтисодий саводхонлик курсларини ташкил этиш лозим. Бу орқали маҳалла аҳолиси, оилада ёши катта ва кичикларда иқтисодий саводхонликнинг бир вақтда оширилиши, масаланинг кенг аудиторияда муҳокамаси билан самарали бошқарув қарорлар қабул қилиниши таъминланади.



Самарқанд шаҳрида
Ўзбекистон – Қирғизистон
ТУРИЗМ ФОРУМИ
бўлиб ўтди.



Ўзбекистонда
жорий йил
УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ
135 минг хонадонга
етказилади.



Миллий статистика
агентлиги:
Ўзбекистонга ЕНГИЛ
АВТОМОБИЛЬ ОЛИБ
КИРИШ ўтган йилга
қараганда уч баробарга
камайиб кетган.

6

№40 | 2025 йил 14 май, ЧОРШАНБА

Mahalla

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Тартиб-қоидани бузганга хорижга чиқиш паспорти берилмайди

Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ реадмиссия қилинган фуқароларга икки йил давомида хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатилмайди. Бу ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 майдаги “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан мустаҳкамлаб қўйилди.



Карорга мувофиқ, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан хорижий давлатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузига ва обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатларни содир этган фуқароларга доир маълумотлар Миграция жараёнларига доир маълумотларнинг ягона электрон базаси орқали юритилади.

Ягона маълумотлар базасига электрон реестр сифатида қўйидагилар киритилади:

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ реадмиссия қилинган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

– Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ва унинг хориждаги ваколатхоналаридан (вакилларида) олинган маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, реадмиссия қилинган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ, икки йил давомида хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатилмайди.

Бу жараёнда реадмиссия қилинган фуқароларга чет элга чиқиш учун биометрик паспорти расмийлаштириб бериладиган истисно ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маълумот учун: Реадмиссия қилинган шахслар – Ўзбекистон ва бошқа давлатлар ўртасидаги халқаро келишувлар асосида, ўз ихтиёри билан ёки мажбурий равишда Ўзбекистонга қайтарилган фуқаролар. Яъни, агар бирор ўзбекистонлик фуқаро чет элда ноқонуний қолган, визаси тугаган, депортация қилинган бўлса, у Ўзбекистон томонидан қабул қилинади – бу жараён реадмиссия деб аталади.

Шунингдек, ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юборилган ва борган давлатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган фуқароларни қайтариш ва уларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби белгиланди. Унга кўра, чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида хорижий давлатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган фуқароларга қўйидаги таъсир чоралари қўлланади:

– депортация қилинган фуқаро Миграция жамғармаси ҳисобидан қайтарилганда, қайтариш харажатлари ушбу фуқародан ундириб олинади;

– Миграция жамғармаси ҳисобидан тақдим этилган субсидия ва компенсация суммалари қайтариб ундирилади;

– бир йилгача муддат давомида ривожланган давлатларга ташкиллаштирилган тарзда ишга юбориш бўйича хизматлар кўрсатилмайди;

– ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юбориш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилмагани учун жарима ва учинчи шахсларнинг каффиллиги белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Миграция агентлиги

“Муаммо шундаки, ҳудуд бизники, аммо жиноятчининг манзили бошқа...”



Туман марказида жойлашган маҳалламиз ҳудудида деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак, хўжалик моллари савдосига ихтисослашган тўртта кунлик бозор, савдо маркази, битта автошоҳбекат, тўртта автотураргоҳ майдони, иккита хусусий мактаб, битта давлат боғчаси бор. Бу ерга тумандаги 65 та маҳалладан ташқари, қўшни Андижон вилоятидаги Шаҳрихон, Марҳамат ва Асака туманлари аҳолиси келиб, бозорлик қилишади.

Йўлдошали ҲАМИДОВ,
Қува туманидаги
“Ғалаба” маҳалласи
профилактика катта
инспектори, капитан.

Маҳалламиздаги Хотира майдони ва унга туташ ҳудудлар таъмирланиб, истироҳат боғига айлантириляпти. Одамларнинг марокли ҳордиқ чикаришлари учун яшил майдонлар ташкил этилиб, Бўстон кўчасида туну кун ишлайдиган кўнгилчор масканлар, савдо шохбчалари қуриляпти. Шу боис ҳудудимиз ҳар доим одамлар билан гавжум. Бу эса биздан янада хушёрликни талаб этади.

Дастлаб ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун кўчаларга, чорраҳаларга, бозорларнинг ки-

риб-чиқиш жойларига, жамоат жойлари ва барча савдо дўконларига уч юзга яқин замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Шунинг 32 таси инсон оуздан танувчи замонавий камера бўлиб, улар хизмат хонамга интеграция қилинган. Улар ёрдамида ҳар қандай жиноятчилик тезкор аниқланиб, айбдорлар топилляпти.

Яқинда савдо марказидан сотувчини чалғитган ҳолда телефон ўғирлаб чиққан фуқаро айнан камера кузатувлари ёрдамида аниқланиб, ушланди. Яна бир ҳолатда фуқаро буюмларини автотураргоҳда унутиб қолдиради. У ҳам камералар кузатувидан топилди. Бундай видеокузатув қурилмалари Ғалаба, Аҳмад Ясавий, Ёрқин кўчалари туташган чорраҳада содир бўлаётган автоҳалокатларда ким айбдор эканига ҳам ойдинлик киритаяпти.

Йўлдошали ҲАМИДОВ
“Маҳалла
ифтихори”
кўкрак нишони
билан тақдир-
ланди.



ХАБАРДОРМИСИЗ?

Жарима балларини баҳолаш тартиби белгиланди



Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 майдаги қарори билан “Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Низом транспорт воситасини бошқариш жараёнида йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этиш ҳолатларини жарима баллари асосида баҳолаш, жарима балларини ҳисоблаш, ҳисобланган жарима баллари бўйича мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилляди. Жарима баллари фақат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баёномалар

бўйича қабул қилинган қарорлар асосида ҳисобланади. Низомга кўра, жарима баллари ҳайдовчиларни қоидабузарликлари биринчи марта содир этган кундан бошлаб, кейинги йил шу кунга қадар амалда ҳисобланади. Жарима балларини ҳисоблаш даврида жарима баллари ўн икки баллга етмаса, тўпланган баллар кейинги жарима балларини ҳисоблаш даври учун ҳисобланишига йўл қўйилмайди. Жарима балларини ҳисоблаш тартиби:

Мазкур қарор
2025 йил
1 июндан кучга
киради.

– жарима баллари тизими “E-jarimaball” модули орқали инсон омилсиз автоматлаштирилган тартибда ҳисобланади;

– ҳайдовчилар ўзининг жарима баллари ҳақидаги маълумотларни инсталланган пайтда “E-jarimaball” тизими орқали олишлари мумкин;

– ҳайдовчилар томонидан содир этилган қоидабузарликлар саккиз баллга тенг бўлганда “SMS” хабар юбориш йўли билан огоҳлантирилади;

– суд томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган деб топилса, жарима баллари ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Одатда, кунлик иш фаолиятини бозорлар ҳудудини айланишдан бошлайман. Чунки барча олди-берди, онлайн савдо ва енгил тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар шу атрофда содир бўляпти. Эътиборлиси, жиноят содир этганларнинг барчаси бошқа ҳудудлар фуқароларидир. Шу кунгача икки минг нафарга яқин маҳалламиз фуқароларидан бирорта жиноятчи ёки ҳуқуқбузар аниқланмаган. Спиртли ичимликка ружу қўйган, низоли ва жанжалкаш оилалар ҳам йўқ. Фақат бозорлар, савдо марказлари, истироҳат боғи, атошоҳбекат ва автотураргоҳлар бизнинг ҳудудда жойлашгани учун ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик содир этилса, ҳисобимизга ёзиляпти.

Шу боис жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш учун 36 та кўп қаватли уйнинг 12 тасига, бозорлар ҳудудларига, йўл бўйларига савдо дўконларига чақирув тугмаси ўрнатдик. Аҳоли бирор нохуш ҳолатларга гувоҳ бўлса, ушбу тугмани босиб, бизга ёки Миллий гвардия ходимларига тезкор хабар беради. Бу, айниқса, спиртли ичимлик савдо дўконларида яхши натижа берапти. Бирортаси спиртли ичимлик истеъмол қилгандан сўнг жанжал кўтарадиган бўлса, зудлик билан етиб бориб, содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини оламиз. Бу жараёнда кичик профилактика инс-

пектори, патруль-пост ва Миллий гвардия ходимлари яқиндан ёрдам берапти. Қувонарлиси, бундай рақамли технологиялар ёрдамида ҳар қандай вазиятни тезкор бартараф этиш имконияти яратилляпти.

Бугун кибержиноятларнинг турли кўринишлари намоён бўляпти. Фуқароларнинг бундай фибрибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг асл сабабларини тушунириб бораётган. Шунингдек, маҳалламиз учун алоҳида телеграм гуруҳи очиб, махсус видеокўлланим ва видеороликлар жойлаб бораётган. Аҳоли гавжум жойларга махсус баннерлар ўрнатдик.

Таклифим: жиноят содир этилган ҳудуд эмас, балки жиноят содир қилган одам қайси маҳалла фуқаросига қараб, баҳоланса яхши бўларди. Чунки таҳлил ва кузатишларимиздан маълум бўлляптики, турли келишмовчилик, ўғирлик ва фибрибгарликлар ўзга маҳалла фуқаролари томонидан содир этилляпти.

Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги тизим асосида самарали иш ташкилланган бўлиб, “маҳалла этилиги” аъзолари ўзларига бириктирилган вазифаларни фаоллик билан амалга ошириляпти. Келгусидаги режаларимиз маҳалла туманининг қайноқ нуқтасини ўз ичига олган бўлишига қарамай, ҳуқуқбузарлик билан жиноят содир этилишига йўл қўймасликдан иборат. Бу борадаги ишларимизни Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси билан уйғунлиқда олиб бораёلمиз. Хусусан, аҳолини турли жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлардан огоҳ этиш мақсадида бозорлар ҳудудида махсус радиоузеллар ёрдамида хабардор этилмиз. Кўчалардаги катта мониторларда видеороликлар намоёиш этиб бориляпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ботир ЭГАМОВ. Андижон вилояти:

– Ногиронлиги бўлган шахсга нисбатан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайдими? Қонуندا шундай дейилган экан. Шунинг учун 2-гурӯх ногиронлиги бўлган ходимимиз меҳнат интизомини бузса ҳам, шартномани бекор қилишга иккиланиб турибмиз? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Ногиронлиги бор фуқарони ишдан бўшатиб бўлмайдими?

Муҳаммадмин
КАРИМЖОНОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

– Қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахсга интизомий жазо қўллашда ҳеч қандай чеклов йўқ. Ногиронлиги бўлган шахсга Меҳнат кодексининг 312-моддасидаги инсталланган турдаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳамда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин.

Унда нега бундай саволлар берилди? Сабаби, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасини кўпчилик нотўғри талқин қилади. Модданинг 2-қисмига кўра, ногиронлиги бўлган шахснинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги ва таътиллarda бўлиши даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Бундан ташкилот тўлиқ тугатилган

ҳолатлар мустасно.

Мана шу қоидага жуда кўпчилик чалғийди. Эътибор беринг, ногиронлиги бўлган шахс вақтинча ишга лаёқатсиз ёки таътилда бўлган вақти шартномани бекор қилиш мумкин эмас, дейилмоқда. Бу қоида нафақат ногиронлиги бўлган шахсга, балки бошқа барча ходимларга ҳам тааллуқли.

Демак, ногиронлиги бўлган шахс (нечанча гуруҳлигининг аҳамияти йўқ) меҳнат интизомини бузса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин. Агар ходим вақтинча ишга лаёқатсиз ёки таътилда бўлса, у ҳолда ишга қайтган, шартномани бемалол бекор қилаверасиз. Фақат Меҳнат кодексининг 163-моддасидаги бошқа чекловларга риоя қилиш эсдан чиқмасин. Ушбу кодекснинг 314-моддасига кўра, ходим вақтинча ишга лаёқатсиз ёки таътилда бўлган даврда интизомий жазо қўллаш мумкин бўлган 1 ойлик муддат тўхтаб туради.



Ўзбекистон ва Эрон ИМТИЁЗЛИ САВДО БИТИМИ бўйича товарлар рўйхатини келишиб олди.



Айрим онлайн-платформаларга Ўзбекистон ҳудудида кириш тезлиги СУД ҚАРОРИ АСОСИДА пасайтирилиши мумкин.



2025 йилнинг 1 май ҳолатига Ўзбекистоннинг РАСМИЙ ЗАХИРА АКТИВЛАРИ 49,25 млрд. долларга етди.

ТАҲЛИЛ

Аёл меҳр, эътибор ва қадр билан янада юксалади

Саломатлик ҳақида сўз кетганда, кўпинча жисмоний ҳолат назарда тутилади. Бироқ инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун руҳий барқарорлик, ички осойишталик ва ҳиссий соғломлик бирдек аҳамиятлидир.

Наргиза ШЕРМАТОВА,
Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш
Хоразм вилояти ҳудудий
маркази психологи.

Айниқса, аёллар кўпинча оғир ҳаётий синовларга, турмушдаги муаммолар, ижтимоий босимлар, иқтисодий етишмовчилик, ҳатто зўравонлик ҳолатларига дуч келишади. Бу эса уларнинг руҳиятида чуқур из қолдириб, ўзини қадрсиз ҳис этиш, келажакка бефарқлик, хавотир ва тушкунлик каби салбий туйғуларни юзга келтиради.

Мана шундай қалтис

вазиятда уларга кўмак бериш, қалбига йўл топиш, дардига қулоқ тутиш, энг муҳими, ички хотиржамлигини таъминлашда психологик ёрдам кўрсатиш ҳаётий аҳамият касб этади. Аёлни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш – бу фақатгина бир инсонни эмас, бутун оилани, жамиятни мустаҳкамлаш демакдир. Шу маънода мажмуавий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган реабилитация марказлари фаолиятининг долзарблиги кундан кунга ортиб бормоқда.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Хоразм вилояти ҳудудий маркази ана шундай муҳим вазифани зиммасига олган ҳолда, ҳаётий тўсиқларга уч-

раган аёлларни қайта тиклаш, уларнинг жамиятга ижтимоий ва психологик интеграциясини таъминлаш йўлида изчил фаолият юритмоқда. Бу маскан нафақат вақтинчалик бошпана, балки руҳий барқарорлик сари олиб боровчи умид ва имкониятларни ҳам тақдим этади.

Мазкур марказда психологик ёрдам пухта ўйланган, илмий асосланган ва инсоний ёндашувга таянади. Бу ерда ҳар бир аёл шунчаки муҳтож эмас, балки қайта тикланишга, ҳаётини ўзгартиришга интилаётган шахс сифатида қабул қилинади.

Ҳар бир аёлнинг ҳолати алоҳида ёндашуви талаб қилади. Шу сабабли, дастлабки босқичда турли психологик тестлар ва диагностика методикалар орқали уларнинг кечинмалари чуқур ўрганилади. Бу тўғри ёндашиш, услуб ва воситаларни танлашда муҳим аҳамият касб этади.



Тажрибали мутахассислар ҳар бир фуқаронинг ички оламини, руҳий изтиробларини, хавотир ва тушкунлик манбаларини аниқлашга ҳаракат қилишади. Сўхбатлар орқали уларнинг юрагидаги оғриқ сўзга айланади, салбий хотиралар унут бўлади.



Психологик тикланиш жараёни фақат хонада эмас, балки марказ ташқарисида ҳам давом этади. Музейларга саёхат, театр томошалари, спорт мусобақалари, отинойилар билан маънавий сўхбатлар – барчаси аёлларнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳаёт гўзалликларини қайта ҳис этиш,

қадриятларни эслаш, янги таассуротларни туйиш – жараёнининг ажралмас қисмидир.

Марказга жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан ҳам психологик ишлар олиб борилади. Чунки она ва бола руҳий алоқаси – бу шунчаки оилавий ришта эмас, балки икки қалб орасидаги нозик,

узилмас риштадир. Боланинг руҳий барқарорлиги онанинг тикланиш жараёнини ҳам жадаллаштиради. Шу боис, машғулотлар, ўйинлар ва сўхбатлар орқали уларнинг вақти мазмунли тарзда ташкил этилади.

Руҳий тикланиш тез натижа берадиган жараён эмас. Бу вақт, сабр ва доимий қўллаб-қувватлашни талаб этади. Хоразм вилояти ҳудудий маркази фаолияти давомида юзлаб аёллар ўз ҳаётларини қайтадан бошлаш имконига эга бўлишди.

Аёл – бу ҳаёт манбаи, меҳр ва бардош тимсоли. Аммо оғир синовлар, руҳий жароҳатлар ва ижтимоий босимлар бу сабрни сўндиришга уринса, жамият заифлашади. Шу боис, аёлларни нафақат ҳимоя қилиш, балки уларнинг ички кучини қайта ўйғотиш, ўзига ишончини тиклаш, руҳий қўллаб-қувватлаш катта аҳамият касб этади.

ТАҚДИРЛАР

Йўқотилган йиллар, фарзанд доғи, қалб оғриқлари...

Ҳар бир инсон ҳаётини тинч, фаровон ва ҳурматда ўтишини истайди. Бироқ баъзилар учун бу орзулар оғриқли синовларга, ҳатто курашга айланади. Бухоролик Нигина опа ана шундай ҳаётий тўсиқлардан ўтмоқда. У 1997 йилда оила қурган бўлиб, афсуски, турмушининг илк кунлариданоқ турли шаклдаги зўравонликларга дуч келган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Йиллар давомида у жисмоний, руҳий, иқтисодий ва руҳий босим остида яшаган. Энг ачинарлиси, кўрган азоб-уқубатлари натижасида тўрт нафар фарзанди нобуд бўлган. Нигина опа биргина қолган қизи учун яшашда давом этишга ҳаракат қилган, бироқ бу орада бир неча бор ўз жонига қасд қилишга уринган. Турмуш ўртоғининг мунтазам қалтаклаши ва уйдан ҳайдаши оқибатида у саккиз ой давомида кўча-кўйда, яқин қариндошлариникида сарсон бўлиб яшашга мажбур бўлди.

Айнан шундай оғир паллада маҳалла ижтимоий ходими унинг ҳолатидан хабар топди ва зудлик билан керакли қораларни кўра бошлади. Нигина опага Бухоро шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази орқали психолог ва ҳуқуқий масалаларда эксперт маслаҳатчи хизматлари таклиф этилди.

Психолог методлар ёрдамида опанинг руҳий ҳолати барқарорлашди, ҳаётга нисбатан ишончи ва қизиқиши ортди. Ҳуқуқий маслаҳатчилар ёрдами билан эса турмуш ўртоғининг кўп йиллик зўравон хатти-ҳаракатлари юзасидан судга даъво аризаси киритилди.

Натижада Нигина опанинг даъвоси қаноатлантирилиб, унга етказилган маънавий зарар бўйича компенсация пули ундириладиган бўлди.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Юзларда қувонч, юракларда умид уйғонсин...

Бир неча йил журналистика соҳасида фаолият юритиб, маҳаллалардаги оддий инсонлар ҳаёти ҳақида туркум мақолалар ёзиш билан шўғулланганман. Лекин энди ўйлаб қарасам, ўша вақтда кўрганларим, ҳис қилганларим ҳамир учидан патир экан, холос. Билмаган нарсаларим қанчалик кўплигини ижтимоий ходим сифатида иш бошлаганимдан кейин тушуниб етдим.

Шалола ҲАЙИТОВА,
Шахрисабз туманидаги
"Чоршанба" маҳалласи
ижтимоий ходими.

Маҳаллада иш бошлаб, фуқаролар билан қийнаётган муаммолари билан яқиндан ўртоқлашишга мушараф бўляпман. Бу жуда ёқимли жараён. Ҳар бир ҳолатни қалбдан ҳис қилиб таъсирланаман. Кимнингдир дардига дармон бўлишдан ортқ савобли амал бўлмаса керак. Сўлгин юзларда қувонч, юракларда умид пайдо қилиш билан инсонларни юксак марралар сари етаклашдан ортқ бахт йўқ менинг учун.

Худудимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 87 нафарни ташкил этади. Уларнинг дардини енгил қилиш мақсадида кўпроқ сўхбатлашаман, келажакга умид бағишлаб кўнглини кўтараман. Ҳаётнинг синовлардан иборатли, ёруғ кунларга етиш учун барчасини мардонавор енгиб ўтиш кераклигини тушунтираман. Моддий жиҳатдан муаммоси бор кишиларга ёрдам бериш учун, аввало, уларнинг қариндошлари



Шукрки, одамларимизнинг бағри кенг, қўли очик. Ҳеч қачон мурожаатимизни жавобсиз қолдирмайди. Бундан ташқари, "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан эҳтиёжманд аҳоли вакилларини мушуқлини осон қиляпмиз.

билан боғланаман. Имкониятидан келиб чиқиб, кўмаклашиши кераклигини тушунтираман. Бунинг имкони бўлмаган ҳолатларда эса тadbиркор ва ишбилармонлардан ҳомилий кўмаги олиб беришга ҳаракат қиламан.

Нафақа ёшидаги Муслмон ота Тўхтаев I гуруҳ ногирони. Юра олмаслигини инobatга олиб, электрон арава тақдим этилди. Авваллари бошқаларнинг кўмагига эҳтиёж сезган бўлса, энди ўзи бемалол ҳаракатлана оляпти. Маҳаллаларни айланади, савдо шохобчаларига бориб харидни амалга оширади, тadbирларнинг фаол иштирокчиси. Фуқаронинг қайфиятидаги ўзгаришдан жуда хурсандимиз.

Одатда, бирор имконияти чекланган фуқаронинг ҳолидан хабар олишга киришдан аввал шифокор билан сўхбатлашаман. Беморнинг ҳасталик тарихини ўрганаман. Сўхбатдошимнинг кўнглига оғир ботадиган гап айтиб қўймаслик учун бу маълумотларнинг аҳамияти катта. Кимнингдир ёнига бориб, "сизни қандай муаммо қийнапти?", "қайси касаллик билан оғиргансиз?", деган саволлар унга жуда оғир ботади. Эсладимки, тамом, ўша киши аввалги тушкун қайфиятига қайтади. Шу боис эҳтиёткорлик билан муомала

қиламан. Турли ҳаётий мисоллар келтириб, кўнглига йўл топаман.

...Мубинанинг туғма ногиронлиги бор. Унинг юра олмаслиги, вазн етишмаслиги ота-онасини қаттиқ ташвишга солади. Қизалоқнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида Қарши шаҳридаги махсус мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирдик. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён махсус даволовчи машғулотлар натижасида болақайнинг ҳолати анча яхшилانган. Ҳозир у деворларни ушлаб, ҳаракатланаяпти. Шахмат, шашка ва ментал арифметикадан қувонарли натижаларни қўлга киритяпти. Мубинанинг натижаларини кўриб, фарзандимнинг ютуқларидан қувонгандек бўляпман. Ҳали бу қиздан қутаётган умидларимиз жуда катта.

Куни кеча маҳалламизда янги лойиҳани ишга туширдик. Унга қура, 11 нафар камбағал оила фарзандлари бепул тарзда ташкил этилган фан тўғрақларига жалб қилинган. Масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, болаларга фахрий ўқитувчилар Беморнинг ҳасталик тарихини ўрганади. Сўхбатдошимнинг кўнглига оғир ботадиган гап айтиб қўймаслик учун бу маълумотларнинг аҳамияти катта. Кимнингдир ёнига бориб, "сизни қандай муаммо қийнапти?", "қайси касаллик билан оғиргансиз?", деган саволлар унга жуда оғир ботади. Эсладимки, тамом, ўша киши аввалги тушкун қайфиятига қайтади. Шу боис эҳтиёткорлик билан муомала

Ишга келар эканман, ҳар куни янги мақсадлар ва режалар туғилади. Қайсидир камчилликларимни бартараф этишга ҳаракат қиламан. Ижтимоий ҳимоя соҳаси шу тарзда бизни қайта тарбияляпти. Атрофдагиларга меҳр ва саховат улашишга ўргатяпти.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАРНИ ИШГА ОЛГАН ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗ БОР

Ногирон фуқарони ишга қабул қилган тadbиркорга субсидия ажратилади. Бу Президентимизнинг жорий йил 8 майда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги фармонида кўзда тутилган.



Фармонга асосан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун махсус хизматлар тизими жорий этилади. Шу билан бира, ногиронлиги бўлган ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, уларнинг меҳнат бозорига кириши учун қўшимча имкониятлар яратиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Қолаверса, 2025 йил якунига қадар 80 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсининг барқарор бандлиги ва муносиб даромад топишини таъминлаш кўзда тутилган.

2025 йил 1 июндан бошлаб, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тadbиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача субсидия берилиди.

Субсидия сурдатаржимон, психолог ва ҳамроҳлик хизматини ташкил қилиш харажатларини қоплаш учун ажратилади. Жисмоний шахсларга ҳамроҳлик хизматини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида кўрсатишга рухсат этилади.

Шунингдек, "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимида Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри юритилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

Тадбиркорлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказувчи **ЎЗБЕКИСТОН КОРПОРАТИВ СПОРТ АССОЦИАЦИЯСИ** ташкил этилди.



БААда таэквондо бўйича кичик ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида **СУЛТОНБЕК НАБИЕВ** чемпионликни қўлга киритди.

НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ Руминияда ўтган “Superbet Chess Classic Romania-2025” турнирида қатнашяпти.



8

№40 | 2025 йил 14 май, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Қалб ва тана оҳангини уйғунлаштирган машғулот

БАДАНТАРБИЯ

От миниш — бу жисмоний фаоллик, ҳиссий энгиллик ва табиат билан уйғунликни бирлаштирган ноёб фаолият тури демак. Ушбу спорт ҳар қандай ёшдаги кишилар учун фойдали саналади. У тананинг умумий ҳолатини яхшилади, мушакларни кучайтиришга ва руҳий зўриқиш даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

Бел оғригидан қутқаради

Чавандоз машғулот вақтида умуртқа поғонасини тўғри ушлаб туриши керак, бу эгрилик пайдо бўлишининг олдини олади ҳамда кундалик ҳаётда тўғри юриш одатини шакллантиради. Мунтазам машқлар олиб бориш орқали сурункали бел оғриғи ҳамда диск чурраси касаллигини бартараф этиш мумкин. Бу, айниқса, офисда кўп вақт ўтказадиган ёки ҳаракатсиз турмуш тарзидан азият чекадиганлар учун жуда муҳимдир.

Қолаверса, от билан ҳаракатланаётганда, гавдани тик тутиб туриш қон айланишини ва нафас олиш тизимини яхшилади, юрак ва ўпкаларни чиниктиради. Бундай ҳолат умумий чидамликни оширишга ёрдам беради.

Қалб ва тана уйғунлашади

Мазкур спорт нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бир неча машғулотдан сўнг қалб ва тана оҳангининг уйғунлашгани яққол сезилади. От билан мулоқот қилиш, янги ҳиссиётларни уйғотиши. Шунингдек, бу жонзот билан холи тарзда очик ҳавода сайр қилиш зўриқишни камайтиришга ва кайфиятни яхшилашга хизмат қилади. Ҳамроҳлик қилаётган ҳайвонни тушунишга уриниш туйғуларини бошқаришга ўргатади. Янги ва бутунлай ўзгача қарашларни юзага келишига замин яратлади. Кишининг ўзига бўлган ишончи ортади ва кўркувни енгиллашга ёрдам беради. Тиббиётда асаб тизими хасталикларидан азият чекаётганларга от миниш тавсия этилади.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, от миниш тушқунлик ва ҳаётий ташвишларни унутишнинг самарали усули ҳисобланади. Мазкур жараён гормонларга таъсир кўрсатиб, умумий ақлий ва ҳиссий фаровонлигини яхшилайди. Бу йиллар давомида тиббиёт тан олган ҳақиқат.

Сергаклики янада оширади

Ҳайвоннинг ҳаракатларини доимий равишда кузатиб бориш ва атроф-муҳитни томоша қилиш сергаклиكنи оширади. Дикқатни бир нуктага жамлашга ўргатади. Бу ижобий ҳаётий кўникмаларни шакллантиради. Ҳар бир ишга масъулият ҳамда бор эътибор билан ёндашиш

ни ўргатади. Қийин вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Қўшимча даволаш усули

От миниш ҳар қандай ёшда жуда фойдали. Айниқса, балоғат ёшида саломатликни қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Кексалар учун эгарга ўтириш фаол турмуш кечириш, кайфиятни яхшилаш ва ҳатто қариш жараёнини секинлаштиришнинг ажойиб усули бўлиши мумкин. Бундан ташқари, юқори қон босимидан азият чекаётганларга яхши таъсир кўрсатади. Шифокорлар кўпинча ногиронларни реабилитация қилишда қўшимча даволаш сифатида от миниш тавсия қилади.

Озмочки бўлганлар учун энгил машғулот

От миниш қувват сарфини ошириб, соғлом вазини сақлашга ёрдам беради. Бир соатлик сайр давомида 400 ккалгача энергия йўқотиш мумкин. Бу озмочки бўлганлар учун айти мудао демак. Мунтазам машқлар метаболизмни тезлаштиришга ва тананинг умумий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Шу билан бирга, от миниш жисмоний фаолиятнинг энгил шакли бўлиб, бўғимларни зўриқтирмайди. Шу аснода ҳаракат чекловлари бўлган кишилар учун яхши танлов ҳисобланади.

Аввал текширувдан ўтинг!

Юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар мазкур спорт тури билан шуғулланишдан аввал шифокор маслаҳатини олиши тавсия этилади. Баъзи касалликлар от минишга тўқсинлик қилиши мумкин, чунки бу ҳолда юрак ва умуртқа поғонасига босим юқори бўлади. Нима бўлишидан қатъий назар аввал тиббий текширувлардан ўтиб, кейин машғулотларга киришиш энг маъқул ечим демак.

Нухриддин АБДУҲОМИДОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

ИССИҚ КУНДА САЛҚИН, ДАРМОНЛАРГА БОЙ ТАОМНИ БИЛАСИЗМИ?

Гўжа

Ушбу таом сахарликда, эрталабки нонуштада истеъмол қилиш учун жуда маъқул. Чунки у витаминга бойлиги, тўйимлилиги ва ташналик қақирмаслиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, ўзига хос таъми ва таркибидаги фойдали маҳсулотлари танага қувват бағишлайди. Иштаҳани очиб, кўешнинг ўткир нурларидан ҳимояланиш имконини беради. Кечки овқат сифатида истеъмол қилинган гўжа ортиқча вазндан ҳалос бўлишга, ичак фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.



Чалоб

Ўзбек халқи азал-азалдан севиб истеъмол қиладиган чалоб ўзининг табиийлиги, шифобахшлиги, танага тетиклик бағишловчи хусусиятлари билан ажралиб туради. У очлик ҳиссини қондириш билан иссиқда хориган танага тетиклик бағишлайди. Ҳазм тизимига оғирлик қилмайди. Турли витаминларга бой бўлиб, танани бақувват қилади, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди, ҳужайраларни ёшартириб, мушаклар фаоллигини оширишга ёрдам беради. Чалоб ички аъзолардаги турли хилларни чиқариб ташлайди. Таркиби ёғли қатикдан иборат бўлса ҳам вазн ортишига олиб келмайди. Чунки ундаги кальций ёғларнинг қайта ишланишига бевосита таъсир кўрсатади.



Азиза ШИРИНОВА,
шифокор.

Қунлар исий бошлагани сайин танамиз қуюқ ва ёғли овқатлар ўрнига салқинлатувчи, суюқ таомларга кўпроқ эътиёж сезади. Улар тўйимли бўлиш билан бирга, ўзининг фойдали жиҳатлари билан бизга куч ва мадор бағишлайди. Қуйида ёзги хушхўр егуликлар ҳақида батафсил тўхналиб ўтмоқчимиз.

Қимиз

Қимиз (ачитилган бия сут) — шарқ халқларининг иссиқда хуш кўриб ичадиган чанқоқбосди ичимлиги. Унинг таркибида инсон танасига энгил сингадиган оксиллар бор. Қимизда фойдали бактериялар кўп бўлгани сабабли моддалар алмашинувини яхшилайди. У танани совитиш ва кўп дардларга шифо бахш этувчи хусусиятга эга. Бу салқин ичимлик А, В, С дармондориларга бой. Шу сабаб асаб тизимини мустаҳкамлайди, иштаҳани очади, моддалар алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади, камқонлик, миокард инфаркти, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланишлари, гастрит, ўпка, нафас олиш йўли хасталикларига, дармонсизликни даволашда яхши натижа беради. У ошқозон шираси ажралишини тартибга солади, юракни бақувват қилади. Қимиздаги микроорганизмлар тил бақчалари ривожланишига тўқсинлик қилиши аниқланган. Лекин юрак хуружи, юқори қон босими, иситмалаш, меъда шираси қўпайиши ва бошқаларда қимиз ичиш тавсия этилмайди. Бўйрак, жигар хасталиклари, подагра ва диабетда шифокор рухсати билан қабул қилган маъқул. Кечки овқатдан кейин қимиз ичиш тавсия этилмайди.

Айрон

Айрон иссиқ кунда чанқоқни яхши қондиради. Унинг танага фойдаси жуда катта. Тез ҳазм бўлади, меъда ва ичаклар ишининг меърий ҳолатда бўлишини таъминлайди. Ўт ва ошқозон шираси яхши ажралишига замин яратди, ичак микрофлорасини тиклайди, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Доимий тарзда айрон ичиб юрадиганларда иммунитет кучли бўлади. Шунинг учун нафас тизимида муаммоси бўлган беморларга йилнинг тўрт фаслида айрон ичиш фойдалидир. Унутманг, айронни бир кеча-кундуздан узоқ сақлаш мумкин эмас.



— ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

С.МУРОДОВА.
Самарқанд вилояти:
— Оилалиман, икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим менга эҳтиёжларим учун пул бермайди. Болаларимиз учун бериб туради, ҳолос. Ўзим ишлаймай, топган пулимнинг ярмини олиб, ўзимда қолган ярмини рўзғорга ишлатишимга мажбурлаяпти. Бизнинг вазиятимизга шариатда қандай изоҳ берилади?

ЭР АЁЛИНИНГ ТОПГАН ПУЛИНИ ОЛИШГА ҲАҚЛИМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Аёлнинг топаётган пулида на эрнинг ва на қайнонанинг ҳаққи бор, уни зулм қилиб олиб қўйиш мутлақо нотўғри амалдир. Агар ўзи рози бўлиб берса, олиши мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Мусулмон кишининг моли бошқача ҳалол эмас, фақатгина ўзи рози бўлиб, кўнглидан чиқариб берсагина, ҳалол бўлади” (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳадича розияллоху анҳо онамиз бутун молу жонини Сарвари олам бўлган турмуш ўртоқларига инъом этганлар, яъни ўз ихтиёрлари билан берганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом талаб қилиб олиб қўймаганлар.

Шариатимиз ҳар бир шахсга молиявий мустақиллик берган. Эр топган пулини ўзи истагандек сарфлаши ва бунга на аёли ва на бошқа одамлар тўқсинлик қилишга ҳаққи йўқ бўлгани каби аёлнинг ҳам шахсий маблағидаги тасарруфи ўз қўлида бўлади. Фақатгина фойда-зарарни билмайдиган ақли заиф тоифаларгина бундан мустасно. Уларнинг тасарруфини валийлари олиб боради. Шунга қўра, аёл кишининг топган маблағини олиб қўйишга, эғалик қилишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 380 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-520

